

Нодира Сиддикова<sup>1</sup>

Impact Factor: 9.2

ISSN-L: 2544-980X

## Interpretation of the image of a bird On the example of M. Kenjabek's poem

(Nodira Siddikova)

**Аннотация:** Мақолада шоир Мирзо Кенжабекнинг образ яратиши маҳорати ҳакида фикр юритилган. Бунда шоир бадиий ифодалаган ижтимоий-фалсафий ғояларнинг лирик композициядаги ўрни, уларнинг мумтоз шеъриятимиз анъаналарига мувофиқлиги илмий исботланган.

**Калит сўз ва иборалар:** шеър, образ, рамз, талқин, анъана, Мирзо Кенжабек.

Куш бадиий адабиёт, хусусан, ўзбек шеъриятининг қадимий тимсолларидан бири бўлиб, ҳалқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётида ҳам ўзига хос рамзий-мажозий маъно ташувчи тимсол сифатида гавдаланади. Зоро, образли ифода ёрдамида “ботиний оламдаги ўзгаришлар динамикасининг ўсиб бориш характеристи орқали лирик образ ва, ўз навбатида, лирик сюжетнинг лирик композициядаги ўрнини белгилаш мумкин бўлади”.[1,2] Шу маънода Мирзо Кенжабекнинг шеърларидағи қуш ва унинг бадиий-эстетик функциясини тадқиқ этиш эҳтиёжи юзага келади.

Маълумки, бадиий матнга киритилган образ, бу ерда қуш, инсонпарварлик, ҳаётсеварлик, шукроналик ғояларини ифодаси сифатида олиниши мумкин. Буни шоир “Ватан қушлари” шеърида таҳлилида кузатиши мумкин [3, 6]. Шеърда Яратганга тасбех айтиётган, бетакрор сайрашлари орқали шукроналар билдираётган қуш образи кўз олдимизда намоён бўлади. Ҳали буни очик-ойдин айтиши мавриди келмаган давр мафкураси ижодкорни образлар тимсолида сўз айтишга ундаиди. У кўнглида кечган, тилида ошкор айтольмаган қанча-қанча дил изхорларни қушлар тили, қушлар сайроғининг оҳанглари замирига сингдириб юборган. Шоир мазкур шеърида ёзади:

Кушлар баланд сайрап субхи содикда,

Бу сайроқда ғурур ишораси бор.

Бу куйда ўzlари турган борлиқка,

Ватанга ҳомийлик ифодаси бор...

Мазкур мисралар замирига сингдирилган маънолар қатламини англаш учун унда ишлатилган поэтик деталларга эътибор қаратиши зарур бўлади. Кушлар субхи содикда сайрамоқда. Маълумки, субхи содик ибораси мазмунан нурларга буркалаётган тонг тушунчасини ифодалаб, покизалик, сокинлик, ҳайратда қолиш каби маъноларга ҳам ишора қиласи. Куш образининг мисрадаги поэтик талқинига эътибор қаратсан, борлиқка тонг нурларининг таралиши озодликни, қушлар сайроғи эса бундан қувончга тўлган ҳалқнинг эрк нашидасини англатади. Шу боис бу сайроқда ўз эркини кўлга киритган элнинг ғурури, истиқлол куйига йўғрилган нашидасида эса ўзи турган макон ва ўзи яшаётган замонга ҳомийлик – эгалик туйгуси мужассамлиги кўринади.

Мирзо Кенжабек шеъриятида пейзаж тасвири алоҳида ўрин тутади. Юқоридаги мисраларда ҳам лирик қаҳрамон кечинмалари табиат манзаралари билан уйғунлиқда акс эттирилган. Бу ҳамоҳанглик шеърнинг кейинги бандларида ҳам давом эттирилади:

Куйлангиз, қушларим, куйлангиз сархуш,

Тирик қалб сизларни олгай тушуниб.

<sup>1</sup> Фарғона вилоят телерадиокомпанияси,

1-тоифали муҳаррир.

ФарДУ тадқиқотчиси.

Менинг ҳам күксимда уйғонди бир қуш,  
Күйлагим келмоқда сизга күшилиб.

Бандда рухий параллелизм усули ёрдамида инсон рухи ва реал борлиқдаги қушлар күйининг ўзаро ёндошлиги ҳамда алоқасини кузатиш мумкин. Наво юракни уйғотар экан, азалий оҳанглар, қадим муножотлар қулогимизга эркинликнинг күхна сасларини олиб киради ва улар туфайли нафакат қалбимиз, балки бутун вужудимизда аллақандай сирли, завқ ва шавққа тұла түйгулар уммони жүшади. Шеърда бадий тасвир воситалари табиатда рўй берәётган воқеа-ходисалар билан умумлашади. Жонлантириш воситасида тилга кирған қушлар сайроғида лирик қаҳрамон қалб кечинмалари ўз ифодасини топади. У қушларга мурожаат этар экан, уларнинг сархуш куйларини ҳар бир тирик қалб тушуниб етишини таъкидлайди. Тирик қалб, шоир назаридан, ўзлигини англаған инсон қалбидир. Ўзлигини англаш эса бу ўткинчи дунёга нима учун келтирилғанлығи ва ўзига берилған умр неъматини нималарга сарф этиши зарурлигини теран англаға етишдир. Лирик қаҳрамон ана шундай қалби бедор ватандошларимиз тимсоли ҳисобланади. Шу боис субҳи содиқда сархуш куйлаёттан қушларнинг овози унинг бутун вужудида акс-садо беради ва күксидаги бир қушни уйғотиб юборади. Дунё ҳақиқатини англаға етаётган шоир қалбидан қушлар овозига эш бўлған эрк нашидаси янграй бошлади.

Бу шеър Мирзо Кенжабек ижодидаги тасаввуфий қарашларларни ҳам ўзида мужассам этган. Инсон қалби Яратганинг қудрат кўли остида тураркан доимо улуғ руҳга интилади. Бу интилиш доимий зикр, қуш тили билан айтганда баланд сайроклар орқали ифода этилади. Зеро, субҳи содиқ – бу муножот дами, Яратганга тавалло фурсати ҳам саналади. Бу лаҳзалар сайраётган қушлар учун ўз яратувчисига беҳисоб ҳамдлар айтиш, Парвардигор яна бир осойишта тонгта етказганига шукrona билдириш учун ўзлигини англаға етиш онлари сифатида баҳоанади. Сархушлик Яратган меҳри ва берган неъматларини англаш орқали Ўзига талпиниш, ўзни унутиш ва аслни топиш, азалга илтижолар қилиш ёрдамида улуғ даргоҳидан умидворликни юзага келтиради. Илм мажлислари, олимлар сұхбатлари қалбни уйғотади. Солик кўксисида уйғонган қуш – висол умиди, ўзликни англашга бўлған интилиш одимларидир. Ўзлигини англаған инсон эса қайси замон ва маконда яшашидан қатъи назар ҳар жихатдан хур бўлади, ўз яратувчисини танийди. Зеро, Имом Фаззолий таъкидлаганидек, “Подшоҳ дилни ва анинг сифатларини танимок ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таолони танимок қалидидур”[4, 32]. Шеър мазмуни орқали Мирзо Кенжабекнинг ҳали мустабид тузум ҳукмронлик даври – ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаёқ уйғоқ руҳ эгаси ҳамда эркни, озодлик кўшиғини баралла куйлашга интиқ бўлганини англаға оламиз.

Шоир талқинича, уйғониши – тафаккурни уйғотиши, ватан озодлиги томон шаҳдам одим ташлаш, демак. Мирзо Кенжабек ана шу истакни, орзуни ўша даврдаёқ теран англаға етган ва ўқувчиларга юрагининг энг ёрқин кўшиқлари сифатида тақдим эта олган. Шеърда ватан сўзи бир жойда учрайди, холос, аммо шоир ундаги қушлар образи орқали шу ватан бағридаги эркесвар инсонлар тимсолини яратади. Шеърнинг “Ватан қушлари” деб номланишида ҳам юртсеварларнинг, ватанга фидоларнинг янгроқ овозлари эшитилиб туради. Демак, Мирзо Кенжабек бу шеърда тонг палласида сайраётган қушлар тимсолида ватан ва халқ озодлиги йўлида ўзини қурбон қилган минглаб фидойи ватандошларимизнинг ҳамиша барҳаёт сиймосини чизиб беришга муваффақ бўлган. Ҳар бир уйғоқ қалбда акс-садо бериши муқаррар бўлған қушлар сайроғи уларнинг халқни гафлат уйқусидан уйғотишига қаратилган чакириқлари сифатида намоён бўлади.

Мирзо Кенжабек шеъриятининг ўзига хос бадий-эстетик хусусиятларидан бири, уларда талқин этилаётган макон ва вақт тушунчалари орқали лирик қаҳрамоннинг ломаконга интилиши, яъни полифоник – турфаранг мажозий тасвирлар замирида инсоннинг Ҳаққа бўлған илоҳий муҳаббат куйланиши саналади. “Ватан қушлари” шеърида ҳам субҳи содиқда баланд пардаларда сайраётган қушлар зикру самоълар орқали ўз қалбларидағи ҳақиқий ишқ мұждаларини ошкор этади. Бу куйларда фидойилик, ҳижрон дардларига йўғрилған оху зор, азалий маконга қайтиш ишқи устуворлиги яққол акс этиб туради. Қушлар сайроғи – фироқ, нола, шодлик, шукроналик,

хижрон, масти бехудлик каби тушунчаларни бирлаштиради. Бу хусусиятлар Мирзо Кенжабек услубининг ўзига хос жиҳатларини намоён этади. “Шеъриятда услуб тимсол, ташбех ҳамда санъатларда сезилади. Шоир борки, теран мушоҳада юритади, шоир борки, сўзлар латофатини кўз-кўз қиласди; шоир борки, шеъриятга фикр дунёсига чўккандай сингиб кетади” [3.118]. Мумтоз адабиётимиз анъаналарига содик қолган ҳолда саккиз қаторгина шеърида қушлар образи орқали Фаридуддин Аттор фалсафаси, Алишер Навоийнинг илохий ишқ тамсилларини ўқувчига етказиб беради.

Хуллас, истеъдодли шоир кичик образ ёки детал орқали ҳам катта ижтимоий ғояларни бадиий ифолаши мумкин. Бунда у ўзигача бўлган етук салафлари ижоди ҳамда улардаги бадиий тамсилларни қайта муомалага киритар экан, уларга янги бадиий-эстетик вазифа юклайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Йўлчиев Қ. Лирикада бадиий макон ва вақт категорияси // Замонавий филологиянинг долзарб муаммолари ва ечимлари мавзусидаги ҳалқаро илмий рецензияланган онлайн конференция. 2020, 7 декабрь journals /e-sciense.uz. <http://doi.org/10/47100/conferences/v li2/313>.
2. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. –336 б.
3. Кенжабек Мирза. Мактубларим. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. – 412 б.
4. Фаззолий Абу Ҳомид. Кимиёи саодат (Рух ҳақиқати). – Тошкент: Адолат, 2005. – 176 б.